

МУКАДДИМА

Дунё тарихида салмокли ўрин эгаллаб кетган шундай буюк инсонлар борки, улар хақида ўнлаб, юзлаб асарлар ёзилса ҳам сўз нихоя топмайди. Шундай инсонлардан бири Соhibкирон Амир Темур Кўрагон бўлиб, у хақида араб, форс, турк, рус, инглиз, ўзбек ва бундан бошқа бир канча тилларда асарлар ёзилган ва бундан кейин ҳам ёзилади.

Камина ҳам шу ёзилган асарлардан имкон қадар фойдаланган ҳолда Соhibкироннинг хаётини аввалги асарлардан бироз фаркли усулда ёритишга ҳаракат қилиб бир рисола тузди. Бу рисола Амир Темур ва унинг завжалари, фарзандлари, келинлари, набиралари ҳамда эваралари билан қисқача танишиш учун қўлланма бўлади деб умид қиламан.

Рисола орқали факат илмий маълумотлар тақдим қилиш мақсад қилинганлиги боис, маълумотлар имкон қадар қисқа, ортиқча сўз ва бадиий безаклардан ҳолидир. У муқаддима ва уч бўлимдан иборат. Биринчи бўлим Амир Темур билан яқиндан танишишга қаратилган. Хусусан, унда Соhibкироннинг ташқи кўриниши, ички дунёси, илми, табиати қаби муҳим мавзуларда қисқача сўз юритилган.

Иккинчи бўлим Амир Темурнинг ахли яъни аввал айтилгандек, завжалари, фарзандлари, келинлари, набиралари ва эваралари хақида бўлиб, бу бўлимдаги маълумотларни тайёрлашда асосан Тургун Файзиёвнинг «Темурийлар шажараси» номли асаридан кўп фойдаландим. Шу билан бирга мавзуга доир бошқа бир канча манбалардан ҳам қўшимчалар қилдим.

Учинчи бўлим Темур ва темурийлар хаётига оид муҳим саналар хақида. Унда Амир Темур хаётининг қисқача солномаси келтирилган. Бунда «Темурийлар шажараси», «Темурнома», «Етти иқлим султони» қаби асарлар кўпроқ асқотди.

Рисолага қиришишдан олдин ундаги баъзи истилоҳлар хақида бироз тўхталиб ўтсак. Маълумки, тарихий китобларда «хижрий» ва «милодий» деган атамалар кўп учрайди. Бу хақида кўпчилик маълумотга эга бўлса ҳам, эслатма сифатида аввало шу атамаларга тўхталсак.

Ҳозирги кунда дунё бўйича фойдаланиладиган йил ҳисоби милодий йил деб аталади. Унга Ийсо пайгамбар (алайҳиссалом)нинг тугилган йиллари асос қилиб ҳисобланади. Хижрий йилга эса пайгамбар Муҳаммад соллаллоху алайҳи ва салламнинг Маккадан Мадинага кўчиб ўтишлари – хижрат қилишлари асос қилиб олинган. Бу мусулмонларнинг йил ҳисоби бўлиб, у халифа Умар ибн Хаттоб розияллоху анхунинг даврида йўлга қўйилган.

Яна бир тўхталишимиз лозим бўлган атама бу камарий ойларнинг номидир.

Хижрий-камарий йил ҳам ўн икки ойдан иборат бўлиб, уларнинг номи қуйидагича:

1. Мухаррам.
2. Сафар.
3. Робиъул аввал.
4. Робиъус соний.
5. Жумодул аввал.
6. Жумодус соний.
7. Ражаб.

8. Шаъбон.
9. Рамазон.
10. Шаввол.
11. Зулкаъда.
12. Зулхижжа.

Жой номларига ҳам тўхталиб ўтсак фойдадан холи бўлмас деб ўйлайман. Рисолада зикр этилган баъзи жой номларига изох :

Балх – Шимолий Афғонистонда, ҳозирги мазори Шариф шаҳрининг гарбида жойлашган қадимий шаҳар.

Кеш – Ўрта Осиёнинг қадимий шаҳарларидан бўлиб, араб географи Ёқубийнинг ёзишича, у VII асрда бунёд этилган. XIV асрдан эса Шахрисабз деб атала бошланади. Соҳибқирон Амир Темурнинг тугилган ватани бўлганлиги сабабли XIV – XV асрларда шаҳар ҳар томонлама обод бир ўлкага айлантирилди.

Мовароуннаҳр – сўзи арабча сўз бўлиб, маъноси «дарё орасидаги нарса (ер)» дир. Амударёдан шимолга қараб чўзилган Ўрта Осиё ерлари арабчада шундай аталган.

Мозандарон – Эроннинг Каспий денгизи соҳилларида жойлашган вилоят.

Мохон кишлоги – Ҳозирги Туркменистоннинг Марв шаҳри яқинидаги кишлок.

Қундузча – Самари ва Чистония шаҳарлари оралигида жойлашган мавзе.

Рай – Эроннинг қадимий шаҳарларидан бири, 1220 йилда мўғуллар истилоси вақтида буткул хароб этилган; ҳозир Техрон яқинидаги ўртача шаҳар.

Сеистон – Эроннинг шарқида ва Афғонистоннинг гарбида жойлашган. 1872 йилда Эрон ва Афғонистон ўртасида тақсим қилинган. Хилменд дарёсигача бўлган қисми Эронга, ундан шарқи эса Афғонистонга ўтган.

Табриз – Эрондаги қадимий шаҳарлардан бири; XIII-XV асрларда Султония шаҳри билан бир қаторда Хулогуйларнинг марказий шаҳарларидан бўлган.

Ўтрор – Арис дарёсининг чап соҳилида, Арис Сирдарёга қуйиладиган мавзеда жойлашган шаҳар.

Шом – ўрта асрларда Сурия ва унинг ён атрофларидаги жойлар.

I БЎЛИМ

СОХИБҚИРОН АМИР ТЕМУР

Таваллуди: Хижрий 736 йилнинг 26 шаъбон/милодий 1336 йилнинг 9 апрель куни Кеш (хозирги Шахрисабз)дан 13 км. масофа узокликда жойлашган Хўжа Илгор кишлогиди таваллуд топган.

Исми: Темур.

Лакаби: Амир Темурнинг «Сохибкирон», «Кўрагон», «Оксок Темур», «Абул Музаффар» каби лакаблари бор эди.

Темурнинг «Сохибкирон» деб аталиши сабаби бўйича бир канча мулохазалар бор, лекин менимча, энг муносиби «сохиби Куръон» дея аталишидан шу лакаб келиб чиккан бўлиши мумкин. Чунки баъзи манбаларда Темур ёшлигиданок Куръонни ёд олган, деб айтилган. «Кўрагон» сўзи «хоннинг куёви» деган маънони билдиради. Амир Темур ракиби Хусайин ибн Мусаллабни мағлуб этгач, унинг беваси Сарой Мулк хоним – Козонхоннинг кизини никохига олгач, хоннинг куёви сифатида «Кўрагон» унвонини олади. Амир Темур кейинрок яна хоннинг кизига уйланган . Шунингдек, унинг ўгиллари, набиралари орасида ҳам хоннинг кизига уйланиб «Кўрагон» лакабини олганлар бор. Масалан, Мухаммад Тарагай Мирзо Улугбек Кўрагон.

Сохибкирон Амир Темур бутун хаёти давомида канчадан канча мамлакатларни ўзига бўйсундирган бўлса ҳам, лекин ўзини расман хон деб сира эълон килмади. Балки у хон авлодидан бўлган бир кишини расмий хон сифатида тайинлаб , мамлакатни ўзи бошкарди. У ўзи учун «хоннинг куёви» деган унвон билан кифояланар эди.

«Кўрагон» унвони барча тантанали маросимлар ва жума намозларида хутбага кўшиб ўкилар эди.

Сохибкирон Амир Темурнинг номи тарихий манбаларда – туркчада «Оксок Темур», форсчада «Темурланг» ва гарбда «Тамурлен» деб ҳам номланади. Бунга сабаб Темур 1362 йилда Сеистон билан бўлган жангда ўнг кўли ва ўнг оёгидан огир ярадор бўлади. Кейинчалик ўнг кўли деярли куруклашиб, ўнг оёги оксаб колади.

«Абул Музаффар» - арабча сўз бўлиб, зафар яъни галабанинг отаси деган маънони билдиради. Сохибкироннинг бу лакаби Шарафиддин Али Яздийнинг «Зафарнома» асарида учрайди.

Отаси: Тарагай.

Сохибкироннинг отасини исми бўйича тарих китобларимизда баъзи мулохазалар бор. Хусусан, «Тарагай» сўзи маъно англамайди деган кишилар Амир Темурнинг отасини исми Тарагай эмас, Тўргай бўлган бўлиши мумкин, деган . Баъзилар Амир Темурнинг отасини исми Тарагай эмас, Турагай бўлган бўлса керак, турагай сўзи туракол, яшайкол деган маъносида эмасмикан, дея мулохаза килган ...

Амир Темур набирасига отасининг исмини кўйгани сабабли бу мулохазалар Мухаммад Тарагай Улугбек Мирзонинг исмига ҳам тегишлидир.

Тарагай баходирнинг тугилган йили манбаларда учрамайди, 1360 йилда вафот килган.

Онаси: Тегина Хотун.

Мухаммад Али «Амир Темур солномаси» рисоласида келтирилишича, Тегина Хотун аллома Убайдуллох ал-Бухорийнинг кизи бўлиб, милодий 1334 йил 16 ёшда Тарагайбекка узатилган.

Сохибкирон Амир Темурнинг онаси ва отаси Шахрисабзда дафн этилган. Амир Темур

онасининг хотирасига багишлаб баландлиги 71 метр келадиган дунёга машхур Оксарой ёдгорлигини бунёд эттирган.

Шажараси: Амир Темур ибн Тарагай ибн Баркул ибн Илангиз ибн Ийжил ибн Корачор нўён.

Корачор нўён – Киркта хотини бўлиб, улардан ўнта фарзанди бор эди. Уларнинг тўнгиши Ийжил нўён эди .

Ийжил – Унинг бир нечта фарзанди бўлиб, каттаси Илангиз нўён эди.

Илангиз – отаси Ийжил Хулогухон билан Турондан Эронга кўчиб келганда, Илангиз Чигатой улусида отасининг ўрнида қолади. Ундан битта ўғил – Баркул колган.

Баркул – Унинг иккита ўғли бўлган: амир Тарагай, амир Балта.

Кабиласи: Барлос.

Дини: Ислом.

Баъзи манбаларда Амир Темур кичиклигидаёқ Куръони Каримни ёд олган, дейилган. «Темурийлар шажараси» номли асарда муаллиф Тургун Файзиев Амир Темурнинг ихлос, эътиқоди хақида жумладан куйидагиларни келтиради: «Амир Мухаммад Тарагай аввало комил мусулмон ва баходир жангчи бўлган. Шунингдек, уламо фузалога ихлосманд, илм ахлига хомий ва иштиёкманд киши эди».

Хельда Хукхэм «Етти иклим султони»да: «Темур беш вақт намозни канда қилмас, рамазон ойида, албатта, рўза тутарди. Ийд Рамзон ҳам Темур саройида катта тантана билан нишонланарди».

Яна мазкур асарда Сохибқироннинг хайру саховати хақида ҳам илик сўзлар келган.

Табиби: Мавлона Фазлуллох Табризий.

Вафоти: Хижрий 807 йил, 17 шаъбон/милодий 1405 йил, 18 февраль, чоршанба куни кечаси шом билан хуфтан намозининг орасида Сирдарё яқинидаги Ўтроп текисликларида вафот этган.

Кабри: Ибн Арабшоҳнинг маълумотига қараганда, Сохибқироннинг жасади Мухаммад Султон мадрасасидаги дахмага дафн этилган бўлиб, дахманинг деворларига Темурнинг кийимлари ва қурол аслахалари илиб қўйилган. Мазкур буюмлар қимматбаҳо тошлар ва олтин билан безатилган бўлиб, бу маъданларнинг энг кичик бир бўлаги бир вилоятнинг бир йиллик хирожига тенг келарди. Макбара ичига катта-катта олтин кандиллар ўрнатилган бўлиб, улардан бирининг оғирлиги 4000 мисколга тенг эди. Макбара сахнига ипак гиламлар тўшалган. Сохибқироннинг жасади эса шерозли мохир уста тарафидан ясалган пўлат тобудга солиниб, дафн этилган.

Орадан тўрт йил ўтгач, 1409 йил май ойида Амир Темурнинг тўртинчи ўғли Шохрух Мирзо Халил Султон Мирзодан Самарканд тахтини тортиб олгач, Мухаммад Султон хонақоҳига келиб, отаси Амир Темурнинг қабрини зиёрат қилади. Шариат тартибларига қаттиқ риоя қилувчи Шохрух Мирзо макбарадаги шариат қонун-қоидаларига зид келган ишларни, маросимларни манъ этади, шу жумладан Амир Темурнинг кийимлари, қурол-аслахалари ва барча қимматбаҳо безакларни ҳазинага қайтаради. Шунингдек, Амир Темур ва Мухаммад Султон Мирзо жасадларини мадраса хонақоҳидан қўчириб,

пўлат тобут ўрнига ёгоч тобутга солиб, хозирги Гўри Амир макбарасига дафн эттиради .

АМИР ТЕМУРНИНГ ТАШКИ КЎРИНИШИ

Бўйи: узунлиги 170 см. , кадди баланд, комати тик.

Пешонаси: кенг.

Калласи: катта.

Юзи: оку кизил рангли, догсиз ва бугдойранг эмас.

Соколи: серсокол.

Елкалари: кенг ва бакувват.

Териси: ок.

Мускуллари: кучли.

Бармоклари: йўгон.

ШАХСИЙ СИФАТЛАРИ

Табиати: Бу хакида Ахмад ибн Муҳаммад ибн Арабшоҳнинг «Темур хақидаги хабарларда тақдир ажойиботлари» китобида кимматли маълумотлар келтирилган:

«У хазил-мазах ва ёлгонни ёқтирмас, ўйин-кулгию кўнгилхушликка майлсиз, гарчи (сўзда) ўзига озор етадиган бирон нарса бўлса хамки, садокат унга ёқар эди, у (бўлиб) ўтган ишга азият чекмас ва ўзига хосил бўладиган (ютук)дан шодланмас эди.

У бехато (нишонга урувчи) фикрли, ажойиб фаросатли, мислсиз (даражада) бахтли, улугворлиги (ўзига) мувофик, катъий азм билан сўзловчи, (бошига) кулфат тушганда хам ҳақгўй (киши) эди.

У (бировдан) бир гап эшитганда далил талаб киладиган, зимдан караш ва кўз ишоратларини сезадиган идрокли киши эди. У синчков бўлиб, хар бир ишоратдан огоҳ киши бўлиб, юз берадиган барча ишни кўриб-билиб турар эди. Унинг назаридан алдовчининг алдови яшириниб колмас ва фирибгарнинг фириби ўтмас, ўз фаросати билан ҳақгўй ва ёлгончини ажратар эди. Ўз зийраклиги тажрибаси билан чин (ҳақ) насихатгўйдан сохта (насихатгўйни) идрок этар».

«Саҳройиларга хос жасур, сабр-тоқатли, жонсарак Темур на чўлу биёбонларнинг жазирама иссигини, на тоғ довларининг хаддан зиёд қахратон совугини писанд қилар, ўтрок халқлар учун тушуниб бўлмайдиган чидам билан бу мушкулотлотларга бардош берарди» .

Илми: Амир Темурнинг болалик даври хақида, умуман олганда 1360 йилгача бўлган ҳаётида юз берган воқеалар хақида тарихий манбаларда аниқ маълумот деярли учрамайди. Шунинг учун унинг дастлабки таълими хақида бир нечта манбаларда маълумот берилган бўлса ҳам, афсуски, улар бир-бирига мос келмайди.

Хельда Хукхэм «Етти иқлим султони» асарида «Темур мактаб кўрмаган бўлса-да, уни жохил деб бўлмасди. У жисмонан бакувват, маънавий ҳаётнинг юксак кадриятларини эгаллаганди, доимо олимлар даврасида иштирок этар, улардан талайгина фанларни

ўзлаштирганди, тарихни яхши биларди», дейди.

Кўп ўринларда Амир Темурга нисбатан адоват ила калам тебратган Ибн Арабшоҳ аввал зикри келган манбада «Темур саводсиз бўлиб, ҳеч нарса ўқимас ва ёзмасди; араб тилини мутлако билмасди; форс, турк ва мўгул тилларидан ўзига яраша биларди», дейди.

Шу билан бирга ибн Арабшоҳ Соҳибкирон Амир Темур хақида ижобий маълумотларни ҳам келтирган: «Темур тарих (китоб)лари, Худонинг раҳмати ва саломи бўлгур Анбиёлар қиссаларини, подшоҳлар сийралари ва ўтган салафлар хақидаги хикояларни доимо – сафарда ҳам, хазарда ҳам – ўқитиб, кунт билан тинглар эди» .

Тургун Файзиев «Темурийлар шажараси» китобида Темурнинг дастлабки таълими хақида тўхталганда дейди:

«Ёш Темурни етти ёшидаёқ мадрасага ўқишга бердилар. У мадраса келганда алифбодан мукамал хабардор бўлган, ўз она тили – турк тилидан ташқари, форс тилини ҳам мукамал эгаллаган эди».

Яна мазкур асарда Амир Темурни тиббиёт, математика, фалакиёт, меъморчилик ва тарих илмидан яхшигина хабардор бўлгани ҳам айтилган.

Хельда Хукхэм «Етти иклим султони» асарида «Темур Осиё китъасини ҳар қандай жугрофиюндан кўра яхшироқ биларди», дейди. Хақиқатда, бу воқеъликка тўғри келади. Нима бўлганда ҳам, Соҳибкиронни саводсиз деганларнинг ўзи уни қанчалар илмли эканлигини айтиб турибди.

Илм ахлига муносабати: Темур олимларга меҳрибон бўлиб, саййиду шарифларни ўзига яқин тутарди. Уламолар ва фозилларга тўла-тўқис иззат кўрсатиб, уларни ҳар қандай қимсадан батамом муқаддам кўрарди. Уларнинг ҳар бирини ўз муруввати бисотини ёярдики, бу муруввати унинг хайбати билан аралаш эди. Улар билан мазмунли баҳс ҳам юритар эдики, бу баҳсида инсофу хишмат бўларди .

Амир Темур қай бир шаҳарни фатҳ этса, ундаги уламолар ва хунармандларни илмига кўра Самарқанд ёки қўл остидаги бошқа шаҳарларга юбориб, уларни иқром қилган ҳолда уларнинг илми, хунаридан юрт ободлиги йўлида фойдаланар эди.

Шайх Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайҳининг «Самарқанднинг сара уламолари» китобларида Амир Темур хақида жумладан қуйидагилар келтирилган: «Амир Темур илмга ва уламоларга аҳамияти қатта бўлган. Ҳарбий юриш, жангу жадалнинг ичидан Имом Муҳаммад ибн Жазарий раҳматуллоҳи алайҳига ўқшаш алломларни топиб, ўз диёрига олиб келиш, уларга илмий фаолият учун шароит яратиш ва уларнинг ҳурматини жойига қўйиш осон иш эмас».

Қизиқишлари: Амир Темур бўш вақтида кўпроқ шахмат ўйнар эди. У бу ўйиннинг устаси бўлиб, бу борадаги замонасининг энг олди қишилари билан бемалол дона сура олар эди. Темур шахмат тахтасини жанг майдони каби кўриб ўйнарди. Шу тарика у фикрларини янада теранлаштирар эди.

II БЎЛИМ

АМИР ТЕМУРНИНГ ХАРАМИ

Тарихий маълумотларнинг далолатича сохибкирон Амир Темур ўн саккиз марта уйланган. Бундан ташқари у 22 нафар хос канизакларини ҳам ўз шабистонига махрам қилган .

Сохибкирон Амир Темур бу фаний дунёни тарқ қилганда завжаларидан тўрттаси ҳаёт бўлган. Улар: Сарой Мулк хоним, Туман ого хоним, Туқал хоним ва Рух Парво ого хонимлардир.

Қуйида Амир Темурнинг хотинлари ҳақида имкон қадар маълумот келтириб ўтамиз:

Турмуш ого – Амир Темурнинг биринчи хотини бўлиб, Тарагай баходур ўғли Темурни Жоқу Барлоснинг кизи (Турмуш ого)га 1355 йили уйлантирган.

Ўлжаой Турқон ого – Амир Темур унга Турмуш огога уйланган йили – 1355 йилда уйланган. У Амир Темурнинг шу вақтдаги иттифокдоши Хусайин ибн Мусаллаб ибн Қозогоннинг синглиси эди.

Айрим манбаларда Ўлжаой Турқон оғонинг исми Қамолой бўлганлиги айтилган. Ўлжаой деб номланишининг сабаби эса, эрқакча кейиниб олиб жангларга қириб, қўплаб ўлжалар олиб қайтган дея изоҳланади.

Ўлжаой Турқон ого 1366 йилда беморлик сабабидан вафот этган.

Тўлин ого – Умаршайх Мирзонинг онаси. Умаршайх Мирзо 1356 йилда тугилган. Юқорида айтилгандек, Темур илк марта 1355 йилда уйланган. Демак, у Тўлин огога 1355 йилда ёки 1356 йилнинг бошларида уйланган.

Сарой Мулк хоним (Бибихоним) – Сохибкирон Амир Темурдан беш ёш қичкина бўлиб, 1341 йилда тугилган эди. Отаси чигатой улусига мансуб хонлардан бўлиб, у қатл этилганда Сарой Мулк хоним хали беш ёшда бўлган.

Мовароуннахрнинг ҳукмдори, амир Қозонхоннинг набираси амир Хусайин ибн Мусаллаб Сарой Мулк хонимни 1355 йилда никоҳига олган.

Темур 1370 йилда амир Хусайинни енгиб, уни қатл қилдиргач, унинг ҳарамдаги маликалардан Қозонхоннинг кизи Сарой Мулк хонимни, Баён Сулдузнинг кизи Улус оғони, Хизр Ясурийнинг кизи Ислом оғони ҳамда Тағой Турқон хотинни танлаб олиб, иддаси қилгач уларни ўз никоҳига олади.

Сарой Мулк хоним ва Сохибкирон Темур орасида фарзанд дунёга келмаган. Лекин Сарой Мулк хоним Темурнинг бир нечта набираларини тарбиялаган. Жумладан, дунёга машҳур аллома Муҳаммад Тарагай Улугбек Мирзо бувиси Сарой Мулк хонимнинг қўлида тарбия топган.

Ибн Арабшоҳ берган маълумотга қўра, Халил Султон Мирзонинг хотини Шодмулк бегим 1408 йилда Сарой Мулк хонимни захарлаб ўлдирган. Сарой Мулк хонимнинг жасадини ўзи қурдирган мадраса ёнидаги макбарага тош тобутга солиб, мўмиёлаб дафн қилингани тарихий манбаларда келтирилган.

Чўлпон Мулк ого бегим – Ҳожибек мўғулнинг кизи. Чўлпон Мулк оғонинг қачон ва қаерда вафот этгани ҳақида аниқ маълумот учратмадим, бироқ Қасталия элчиси Қлавихо 1404 йилда малика Чўлпон Мулк оғони қўргани ҳақида ёзган. Темур 1405 йил, 18 февралда

вафот килганда эса, ортидан колган завжалари орасида, юкорида эслаб ўтганимиздек, Чўлпон Мулк ого йўк. Демак, малика мазкур икки сана орасида вафот килган бўлиши мумкин.

Дилшод ого бегим – Амир Шамсиддиннинг кизи. Баъзи манбаларда амир Камариддиннинг кизи деб ҳам айтилган...

1376 йилда Соhibкирон Темур уни никохига олиб дабдабали тўй қилади. Дилшод ого бегим 1383 йилда беморлик сабабидан вафот этган.

Туман ого бегим – Сарой Мулк хонимнинг жияни яъни акаси амир Мусонинг кизи. 1366 йилда тугилган ва 1378 йил 12 ёшида Амир Темур уни никохига олган. Сўнг унинг шарафига Самарқандда Боги беҳиштни барпо эттирган. Хельда Хукхэм Туман ого Амир Темурга киз тугиб берганини ёзган. Агар бу маълумот тўғри бўлса, Темурнинг биз билган икки кизидан бошқа яна кизи бўлган, акс холда маълумот тўғри эмас. Лекин Соhibкирон хақидаги бошқа тарихий манбаларда унинг факат иккита кизи бўлгани қайд қилинган.

Тўқал хоним – мўгул хони Хизрхўжанинг кизи. Амир Темур уни 1397 йилда никохига олган. Шу йили у Тўқал хоним шарафига Самарқандда «Боги Дилқушо»ни барпо эттиради. Тўқал хоним ҳам хоннинг кизи бўлгани боис, иккинчи малика бўлиб қолади ва «Кичик хоним» дея аталган.

Ибн Арабшоҳнинг ёзишича, 1408 йил Халил Султоннинг Мирзонинг хотини Шодмулк бегим Тўқал хонимни захарлаб ўлдирган.

Рух Парвар ого – Амир Темурнинг хос канизакларидан. Ораларида фарзанд бўлмаган. Амир Темур вафотидан сўнг Рух Парвар огони амир Хамза Сулдуз хотинликка олган. Амир Хамза Сулдуз вафот этгач, Рух Парвар огони амир Али Тархон ўз никохига қиритган. Амир Али тархон вафотидан сўнг, Рух Парвар огони амир Хасан Сўфи ўз харамига олган.

Рух Парвар ого 1423 йил 7 декабрда вафот этган .

АМИР ТЕМУРНИНГ ФАРЗАНДЛАРИ

Жаҳонгир Мирзо – 1356 йилда тугилган. Онаси Турмуш ого. Соhibкирон Амир Темурнинг тўнгич ўғли. У болалигидан отасининг бошига тушган сарсонлик, жангу-жадал машаккатларини баробар тортди. Шу тарика улгайиб, ўн уч-ўн тўрт ёшидан тажрибали амирлар каторида харбий юришларда иштирок этди.

Амир Темур тўнгич ўғлини кўп яхши кўрар эди. Хатто у Жаҳонгир Мирзони валиахд этиб тайинлаб, унга ўн икки минг отлик аскарни инъом этди. Аммо валиахдга шох бўлишлик насиб этмади. Чунки у хижрий 777 йил/милодий 1376-йилда, йигирма ёшида оламдан ўтди.

Жаҳонгир Мирзо Кеш шаҳрида дафн этилган.

Умаршайх Мирзо – 1356 йилда тугилган. Онаси Тўлин ого.

Амир Темурнинг тарихда «Беш йиллик сафар» номини олган юриши хижрий 795/милодий 1392 йилда, куз фаслида бошланди. Мовароуннахрни тарк этган Темур кишни Мозандаронга ўтказди.

Амир Темур Миср ва Шомни забт этишни ирода айлади ва бу сабабли Умаршайх Мирзони хузирига чакирди. Умаршайх Мирзо кўшинини олиб, Шероздан чикиб Багдод йўли билан Хармоту калъасига етди. Умаршайх Мирзо калъани яқиндан томоша қилиш учун бир тепалик устига чикиб калъага назар ташлади. Шу пайтда биров ўк отаётган эди. Тасодифан ўк келиб Умаршайх Мирзонинг қулоғи остидаги томирига тегди ва шахзода тил тортмай жон берди. Бу воқеа 1394 йилда юз берди.

Мироншоҳ Мирзо – 1366 йилда тугилган. Онаси Менгибек Оғойи Жон Курбонидир . Мироншоҳ Мирзо ўн тўрт ёшида Хуросонга ҳоким этиб тайинланди. У ерда етти йил ҳукмронлик қилди. Укаси Шохрух Мирзога Хуросон ҳокимияти топширилгач, ҳулоқулар мулки бўлган Форс, Озарбайжон, Шомнинг бир қисми ва уларга тобеъ ерлар Мироншоҳга суюрғол қилинди. Яна Соҳибқирон унга тўққиз минг отлик аскарни инъом қилган эди.

Мироншоҳ Мирзо 1382 йилда акаси Жаҳонгир Мирзонинг беваси Хонзода бегим (Севинч бека)га уйлангач, отаси Темур қаби «Кўрагон» лақабини олган. Чунки Хонзода бегим Ўзбекхоннинг набираси эди.

1396 йилда ўттиз ёшли Мироншоҳ Мирзо ов чиққанда отдан йиқилиб боши каттик лат еди ва натижада ҳаракатларидан қутилмаган ўзгаришлар содир бўла бошлади. Хаттоки у ўзи қурдирган биноларни буздирди. Ичкиликка муккасидан кетиб, Хонзода бегимни хўрлашгача бориб етди. Натижада малика Самарқандга – қайнотасининг хузурига эридан шикоят қилиб борди. Соҳибқирон бунга жавобан Мироншоҳ Мирзони тахтдан маҳрум қилиб, ҳокимиятни унинг тўнғич ўғли Абу Бакр Мирзога берди.

1408 йилда Мироншоҳ Мирзо ва Абу Бакр Мирзо бошчилигида кўшин Қора Қуюнли туркманлар сардори Қора Юсуф ва Султон Аҳмадларнинг бирлашган кўшини билан тўқнашди. Жангда Мироншоҳ Мирзо яраланиб отдан йиқилди. Уни жароҳатлаган навқар Мироншоҳ Мирзонинг бошини танасидан жудо қилиб, уни найзага санчди ва Қора Юсуфнинг олдига олиб борди.

Амриддин Бердимуродов ўзининг «Гўри Амир макбараси» рисоласида маълумот беришича, навқар қимни ўлдирганини билмаган, шу билан бирга у Мироншоҳ Мирзонинг қимматбаҳо либосларига эга чиқиш максидида уни ечинтириб, қийимларини ҳам олиб кетган. Қора Юсуфнинг олдига Мироншоҳнинг бошини олиб борганда эса, у бундан газабланиб, навқарни ҳам ўлдиришга буюрган. Яна «Тарихчиларнинг гувоҳлик беришича, Қора Юсуф юз берган воқеадан афсусланиб, кечирим сўраб, унинг жасадини Самарқандга жўнатган», дейди Амриддин Бекмуродов.

Бўлак манбаларда бошқачарок маълумот бор. Хусусан, бу борада «Темурийлар шажараси» китобининг муаллифи Турғун Файзиев қуйидаги маълумотларни келтиради: 1408 йил 21 апрелда Озарбайжоннинг Сардруд мавзесида туркман Қора Юсуф билан бўлган жангда ўлдирилади ва Сурхоб туманига дафн қилинади. Бир неча муддат ўтгач, Шамс Гурий номли шахс дарвеш қийимида Сурхобга бориб, Мирошоҳнинг суяқларини олиб, Мовароуннахрга келтиради ва Шахрисабзда темурийлар макбарасига дафн қилинади

Кейинчалик, қимнингдир ташаббуси билан Мироншоҳнинг хоқи Шахрисабздан

Самаркандга келтирилиб, Гўри Амирда – Темурнинг ёнига дафн этдирилади. (иктибос тугади)

Мироншоҳнинг бош чаногини ва бошка суякларини ўрганган М. Герасимов куйидаги хулосага келди:

1. Мироншоҳнинг кабри деб очилган жойдан топилган жасад хакикат ҳам кайта дафн этилган.
2. Топилган бош чаноги танасидан ўткир тиг билан жудо килиниб, сўнгра ромбсимон учли найзага ўтказилган.
3. Суякдаги барча ўзгариш ва белгилар Темурийларга хос, наслдан-наслга ўтувчи ўзгаришларни ўзида саклаган.
4. Мироншоҳ ва Шохрух ака-ука бўлишиб, улар бир онадан тугилганлар .

Шу ерда бир мулохаза: юкорида айтилишича, Мироншоҳ ва Шохрух Мирзолар битта онадан тугилган, лекин тарих китобларида уларнинг онаси деб икки киши кўрсатилган. Айникса, Шохрух Мирзонинг онаси канизак бўлган, шунинг учун у тахтга лойик бўлмаган деган маънодаги гаплар ҳам бор. Шунинг учун икки шахзоданинг онаси хакида сўз кетганда юкоридаги хулосани ҳам ёдга олишимиз ўринлидир.

Шохрух Мирзо – Хижрий 779 йил, робеъус соний ойининг 14 куни/ милодий 1377 йил 20 август, пайшанба куни тугилган. Шохрух Мирзонинг онаси Тагой Туркон огодир . У (онаси) Амир Темурнинг хос канизакларидан, эронийлар авлодидан бўлган. Кейинчалик Сохибкирон Амир Темур уни никоҳига олган. Аммо Шохрух Мирзо ҳам Сарой Мулк хонимнинг тарбиясига топширилган.

Шохрух Мирзо ёшлигидан Исломга риоя килиб, диний китобларни ўқишга кизикар эди. Кейинрок Амир Темур кенжа ўғлига етти минг отлик аскар ва бир вилоятни инъом килган эди.

Темур вафотидан сўнг Шохрух Мирзо тахтга даъвогарлик килиб Пир Мухаммад Мирзо билан иттифок тузган холда, Самаркандни кўлга киритган жияни Халил Султон Мирзога карши курашади. 1407 йилда Пир Мухаммад Мирзонинг вафотидан сўнг, курашни ёлғиз давом эттиради. Ва шу тарика 1409 йилда Самарканд тахтини эгаллайди.

Шохрух Мирзо хакида Бўрибой Ахмедов «Мирзо Улугбек» номли асарида куйидаги маълумотларни такдим килган:

Вазмин ва иродаси кучли одам эди. Мулохаза билан «етти ўлчаб бир кес» кабилида иш тутарди. Колаверса, интизомли одам эди. У хох харбий иш бўлсин, хох давлат иши бўлсин, хох дини Ислом ва шариат арконлари билан боглик иш бўлсин ўз вақтида, ўз ўрнида адо этишга одатланган эди. Хокони саид хар кандай шароитда ҳам беш вақт намозини узмас эди. Саройда ихчамгина масжиди хос бўлишига карамай, Жумъа намозини кўпчилик катори факат Хиротнинг энг катта масжидида, Гиёсиддин Мухаммаднинг жомеъ масжидига бориб ўқирди. (иктибос тугади)

1447 йил 12 мартда Шероздан Хиротга кайтаётганда йўлда бемор бўлиб вафот этди.

Шохрух Мирзонинг жасадини Гавхаршод бегим мадрасасидаги Бойсунгур макбарасига дафн килганлар. 1447 йил Улугбек Мирзо Хиротни вақтинча кўлга киритганда, отасининг жасадини Самаркандга келтириб, Гўри Амирга дафн эттиради .

Гўри Амир макбарасини очишганда Шохрух Мирзонинг ҳам кабрини очишган, шундан аниқлашларича, Шохрух Мирзонинг бўйи 157 см. бўлган .

Ўғи бегим – Тугилган йили номаълум, лекин онаси Турмуш ого эканлиги хақида маълумотлар бор. Ўғи бегим амир Мусонинг ўғли Мухаммадбекка турмушга чикиб, бир ўғил кўрган. Иси Султон Хусайин Мирзодир. Ўғи бегим 1382 йилнинг охирида беморлик сабабидан вафот этган.

Султон Бахт бегим - онаси Ўлжаой Туркон ого. Султон Бахт бегим Шер Бахромнинг ўғли Мухаммад Миркага никоҳ қилинган эди. Амир Темур Хутталон вилоятини қўви Мухаммад Миркага инъом қилган эди. Бирок Мухаммад Мирка Темур салтанатига қарши исён қўтаради. 1388 йилда исён бостирилиб, Мухаммад Мирка уқаси Абдулфатх билан бирга қатл қилинади. Қатл Темурнинг иккинчи ўғли Умаршайх Мирзонинг фармонида биноан бажарилади.

1389 йилда Малика Султон Бахт бегим амир Довуд дуглотнинг ўғли амир Сулаймоншоҳга никоҳ қилинади.

Малика Султон Бахт бегим 1430 йилда Нишопурда вафот этади .

АМИР ТЕМУРНИНГ КЕЛИНЛАРИ

1. Жаҳонгир Мирзонинг рафиқалари:

Хонзода бегим (Севинч бека) – 1374 йилда Жаҳонгир Мирзо Хоразм шоҳи Хусайин Сўфининг кизи Севинч бэқани никоҳига олган. Кейинчалик Хонзода бегим деб аталган малика Ўзбекхоннинг набираси эди. Хонзода бегим ва Жаҳонгир Мирзо ўртасида 1376 йилда бир ўғил тугилган.

Жаҳонгир Мирзо ҳам отасига ўхшаб хоннинг кизига уйлангани учун «Кўрагон» унвонини олган.

Хонзода бегим Жаҳонгир Мирзонинг вафоти (1376 йил)дан кейин 1383 йилда Амир Темурнинг учинчи ўғли Мироншоҳнинг никоҳига ўтган ва ундан бир ўғиллик бўлган. Хонзода бегим 1411 йилнинг учинчи ноябр кунинда вафот этган.

Бахт Мулк ого – Илёс Ясурийнинг кизи. Жаҳонгир Мирзо унга 1374 йилда уйланган. Пир Мухаммад Мирзонинг онаси.

Роқияхон ого – Қайхусравнинг Туман Қутлуг номи хотинидан бўлган кизи.

2. Умаршайх Мирзонинг рафиқалари:

Севинч Қутлуг ого бегим – Фосих Хавофий Умаршайх Мирзо 1389-1390 йилларда Севинч Қутлуг огога уйлангани хақида маълумот берган.

Бека Мулк ого бегим – Умаршайх Мирзонинг рафиқаси.

Мулкат ого бегим – Хизр ўғлоннинг кизи. Умаршайх Мирзодан иккита ўғил кўрган. Унинг

вафотидан сўнг Шохрух Мирзонинг никоҳига ўтган. 1440 йилда вафот этган.

3. Мироншоҳ Мирзонинг рафиқалари:

Хоника бегим – Мироншоҳ Мирзонинг гўзал мўғул хотини.

Тукал ўрис Буко – Мироншоҳ Мирзонинг рафиқаси.

Хонзода бегим (Севинч бека) – Жаҳонгир Мирзонинг вафотидан сўнг, 1383 йилда Мироншоҳ Мирзонинг никоҳига ўтган.

4. Шохрух Мирзонинг рафиқалари:

Гавхаршод бегим – Чигатой зодагонларидан Гиёсиддин Тархоннинг кизи. 1379 йилда тугилган. Шохрух Мирзога 1393 йилда турмушга чиқган. Ундан уч ўғил ва икки киз кўрган. Ўғиллари: Улугбек Мирзо, Бойсунгур Мирзо, Мухаммад Жўки Мирзо. Гавхаршод бегим чевараси Султон Иброҳим Мирзони Хуросон хукмдори Султон Абусайид Мирзога қарши исён кўтаришга ундайди. Маликанинг бу ҳаракатидан хабар топган Султон Абусайид маликани чоғиб ташлашга фармон беради. Фармонга мувофиқ 1457 йилда Гавхаршод бегим чоғиб ўлдирилади ва ўзи қурдирган мадраса ёнидаги Бойсунгур даҳмасига дафн этилади .

Мулкат ого бегим – 1394 йилда Умаршайх Мирзонинг вафотидан сўнг Амир Темурнинг иродаси билан Шохрух Мирзога турмушга чиқган. 1398 йилда Шохрух Мирзодан ўғиллик бўлди.

Тўти бегим – Иброҳим Мирзонинг онаси.

АМИР ТЕМУРНИНГ НАБИРАЛАРИ

1. Жаҳонгир Мирзонинг фарзандлари:

Мухаммад Султон Мирзо – Жаҳонгир Мирзонинг тўнғич ўғли, онаси Хонзода бегим. 1376-йилда тугилган. Айна шу йилда отаси Жаҳонгир Мирзо вафот этди. Соҳибқирон Амир Темур тўнғич ўғли Жаҳонгир Мирзони валиаҳд деб тайинлаган эди. Аммо ўғлининг вафотидан кўп маҳзун бўлиб, сўнг Мухаммад Султон Мирзони валиаҳд қилиб тайинлади. Аммо бу валиаҳдга ҳам тахт насиб қилмади, 1403 йилнинг март ойида бобосининг жанглиридан биридан қайтаётган 27 ёшли Мухаммад Султон Мирзо беморлик сабабидан вафот этди. Шахзодадан уч ўғил ва бир киз қолганлиги тарихий манбаларда қайд қилинган.

Пир Мухаммад Мирзо – Жаҳонгир Мирзонинг иккинчи ўғли. Онаси Бахт Мулк ого.

Отасининг вафоти (1376 йил)дан кирк кун ўтиб тугилган. Амир Темур уни валиахд этиб тайинлаган эди. Сохибкирон вафот этганда Пир Мухаммад Мирзо Кандахорда эди. Лекин Шахзода Самарканд сари йўлга чиккандаёк Халил Султон Мирзо тахтни эгаллашга улгурган эди.

Пир Мухаммад Мирзо 1407 йилининг 22 февралда ўз вазири Пир Али Тоз томонидан ўлдирилган . Ундан етти ўгил колган.

2. Умаршайх Мирзонинг фарзандлари:

Умаршайх Мирзодан олти ўгил колган.

Пир Мухаммад Мирзо – Умаршайх Мирзонинг тўнгич ўгли бўлиб, 1379 йилда тугилган. 1410 йилда катл килинган. Ундан икки ўгил колган.

Рустам Мирзо – Умаршайх Мирзонинг иккинчи ўгли бўлиб, 1381 йилда тугилган, 1424 йилда вафот этган. Ундан икки ўгил колган.

Искандар Мирзо – Умаршайх Мирзонинг учинчи ўгли. 1384 йилда тугилган. Онаси Мулкат ого бегим. 1415 йил катл килинган.

Ахмад Мирзо – Умаршайх Мирзонинг тўртинчи ўгли. 1388 йилда тугилган. 1425 йилда вафот этган.

Сайди Ахмад Мирзо – Умаршайх Мирзонинг бешинчи ўгли. 1391 йилда тугилган. 1429 йилда вафот этган. Унинг Ахмад Мирзо, Усмон Мирзо исмли ўгиллари бўлган.

Бойкаро Мирзо – Умаршайх Мирзонинг кенжа – олтинчи ўгли. Онаси Мулкат ого. 1393 йилда тугилган. 1423 йилда катл килинган. Ундан уч ўгил колган.

3. Мироншоҳ Мирзонинг фарзандлари:

Мироншоҳ Мирзодан олти ўгил ва бир киз колган.

Абу Бакр Мирзо – Мироншоҳ Мирзонинг тўнгич ўгли. Онаси Хоника бегим. Абу Бакр Мирзо 1382 йилда тугилган. Ундан икки ўгил колган.

Умар Мирзо – Мироншоҳнинг иккинчи ўгли. 1383 йилда тугилган, 1407 йилда вафот этган.

Халил Султон Мирзо – Мироншоҳ Мирзонинг учинчи ўгли бўлиб, 1384 йилда тугилган. Онаси Севинч бека бегим. Халил Султон Мирзо ёшлигидан Сарой Мулк хонимнинг тарбиясига топширилган. Амир Темур вафотидан сўнг 1405 йилда Самарканд тахтига ўтиради. 1409 йилда тахтни бой бериб, асир олинади. Кейинрок Шохрух Мирзо билан битим тузиб, Мовароуннахр хукмронлигидан кечиб, Рай вилоятига хоким этиб тайинланади. 1411 йил 4 ноябр чоршанба куни Рай шахрида беморлик сабабли вафот этди.

Ийжал Мирзо – Мироншоҳ Мирзонинг тўртинчи ўгли. 1387 йилда тугилган, 1415 йил беморлик сабабидан вафот этган.

Суюргатмиш Мирзо – Мироншоҳ Мирзонинг бешинчи ўгли. 1399 йилда тугилган. 1411 йилда вафот этган.

Султон Муҳаммад Мирзо – Мироншоҳ Мирзонинг ўгли. Бобур Мирзонинг отасига бобо бўлади.

Кутлуг Султон бегим – Мироншоҳ Мирзонинг кизи.

Ого бегим хоним – Мироншоҳ Мирзонинг кизи.

4. Шохрух Мирзонинг фарзандлари:

Муҳаммад Тарагай Улугбек Мирзо – Шохрух Мирзонинг тўнғич ўгли, онаси Гавхаршодбегим. 1394 йил, 22 мартда тугилган. Шунда Шохрух Мирзо хали 17 ёшда эди. Темурнинг бошқа набиралари каби Улугбек Мирзо ҳам Сарой Мулк хонимнинг кўлида тарбия топади. Улугбек Мирзо беш ёшлигидан Шайх Ориф Озарийнинг кўлида илм ўргана бошлайди. Ундан тўрт йил сабоқ олади. Шунингдек, Шохрух Мирзонинг китобларга бой кутубхонасида кўп вақтини мутолаа билан ўтказиб, илимини ошириб боради.

1404 йилда етти йиллик урушдан қайтиб келган Темур галаба шарафига катта зиёфат бериб, унда 10 ёшли Улугбек Мирзони Муҳаммад Султон Мирзонинг кизи Ого бегимга унаштириш маросимини ҳам ўтказди.

Темурнинг вафотидан сўнг тахтни эгаллаган Халил Султон Мирзони Шохрух Мирзо 1409 йилда енгиб, тахтни эгаллагач Мовароуннахр хукмронлигини Улугбек Мирзога топшириб, ўзи Хиротга қайтиб кетади.

Улугбек Мирзо кирк йил хукмронлик килди.

У 1449 йилда ўгли Абдуллатифнинг ташаббуси билан хажга юбориш никоби остида катл килинган.

Улугбек Мирзонинг қабрини очиб, ўрганганларида унинг бўйи 166 см. бўлганлиги аниқланган .

Иброҳим Мирзо – Шохрух Мирзонинг иккинчи ўгли. 1394 йил, 14 августда Тўти бегимдан дунёга келган. Унинг тарбияси Туман ого бегимга топширилган. Иброҳим Мирзо ўқимишли, табиатан мулойим киши бўлиб, тарих ва жугрофия илмини яхши билган. Шунингдек, у олиму фозилларнинг суҳбатини хуш кўриб, уларни саройида тўплар эди. Шахзода бобоси Амир Темур хақида бир мукамал ва хакконий тарих битиб қолдирмоққа аҳд қилади. У дастлаб, ўз даврида Темурга бағишлаб ёзилган барча асарларни жамлашга киришади, тўғрилиги хақида гумонсираган маълумотларни мушоҳидлар воситасида синчиклаб текширтиради ва х.к. Ниҳоят маълумотлар тўпланиб тахрирдан ўтгач, Али Яздийга уларга бадиий жихатдан шакл бериб, форс тилида тўла бир китоб қилиш топширилган ва бу ишга 822/1419 йили киришилганлиги «Муқаддима» қисмида қайд этилган . Шу тариқа Шарафиддин Али Яздийнинг машхур «Зафарнома» асари битилган.

Иброхим Мирзо 1435 йилда беморлик сабабидан вафот этган.

Бойсунгур Мирзо – 1397 – 1433. Онаси Гавхаршодбегим.

Мухаммад Жўки Мирзо – 1403 йилда Гавхаршодбегимдан тугилган. 1445 йилда касалланиб вафот этган.

Жалолиддин Суюргатмиш – 1398 йилда Хиротда тугилган. Онаси Мулкат ого. 1426 йилда тўсатдан оғриб қолиб вафот этган.

Марям Султон бегим – Шохрух Мирзонинг катта кизи, 1441 йилнинг 14 июнида вафот этган.

Поёна Султонбека – Шохрух Мирзонинг кизи, унинг жасадини Хиротдан Самаркандга кўчирилишида жонбозлик қилган.

5. Ўғи бегимнинг фарзанди:

Султон Хусайин Мирзо – 1380 йилда тугилган. Отаси амир Мусонинг ўғли Мухаммадбек. Султон Хусайин Мирзо хақида тарих китобларида яхши маълумотлар учрамайди. Киска қилиб айтганда, шахзода ҳаёти давомида кўплаб фитналарга, кўнгилсизликларга сабаб бўлган. Шунинг учун ҳам охири Шохрух Мирзонинг фармонида мувофиқ катл қилинган.

АМИР ТЕМУРНИНГ ЭВАРАЛАРИ

Исми Таваллуди Вафоти Кискача

Жахонгир Мирзонинг авлодлари Мухаммад Жахонгир Мирзо 1396 1433 Мухаммад Султон Мирзонинг тўнгич ўғли. Ундан Мухаммад Султон Мирзо ва Халил Султон Мирзо исми икки ўғил қолган.

Саъд Ваккос Мирзо 1400 - Мухаммад Султон Мирзонинг иккинчи ўғли

Яҳё Мирзо 1400 1408 Мухаммад Султон Мирзонинг учинчи ўғли.

Ўғи бегим - - Мухаммад Султон Мирзонинг кизи.

Кайду Мирзо 1396 - Пир Мухаммад Мирзонинг тўнгич ўғли.

Холид Мирзо 1399 1427 Пир Мухаммад Мирзонинг иккинчи ўғли.

Саъд Ваккос Мирзо 1400 1418 Пир Мухаммад Мирзонинг учинчи ўғли. Саъд Ваккос Мирзо Ого беги хонимни никоҳига олиб, Соҳибқироннинг учинчи ўғли Мироншоҳ Мирзога қуёв бўлган эди.

Кайсар Мирзо 1401 1427 Пир Мухаммад Мирзонинг тўртинчи ўғли.

Бузанжир Мирзо 1402 1422 Пир Мухаммад Мирзонинг бешинчи ўғли.

Жахонгир Мирзо 1402 1433 Пир Мухаммад Мирзонинг олтинчи ўғли.

Санжар Мирзо 1403 1429 Пир Мухаммад Мирзонинг еттинчи ўғли.

Умаршайх Мирзо 1398 1429 Пир Мухаммад Мирзонинг тўнгич ўғли.

Солих Мирзо 1406 1452 Пир Мухаммад Мирзонинг иккинчи ўгли.
Усмон Али Мирзо 1400 1424 Рустам Мирзонинг ўгли.
Умаршайх Мирзонинг авлодлари Султон Али Мирзо 1402 1422 Рустам Мирзонинг иккинчи ўгли.
Пир Али Мирзо - - Искандар Мирзонинг ўгли.
Ахмад Мирзо 1414 1498 Сайди Ахмад Мирзонинг ўгли.
Усмон Мирзо - - Сайди Ахмад Мирзонинг иккинчи ўгли.
Музаффар Мирзо 1409 1429 Бойкаро Мирзонинг ўгли.
Мухаммад Мирзо - - Бойкаро Мирзонинг иккинчи ўгли.
Гиёсиддин Мансур Мирзо 1413 1445 Бойкаро Мирзонинг учинчи ўгли. Тарихда машхур Хусайин Бойкаронинг отаси.
Мироншоҳ Мирзонинг авлодлари Илонгир Мирзо 1397 - Абу Бакр Мирзонинг тўнгич ўгли.
Усмон Жодий 1401 - Абу Бакр Мирзонинг кичик ўгли.
Мухаммад Бакр Мирзо - 1434 Халил Султон Мирзонинг ўгли.
Минучеҳр Мирзо 1418 1460 Султон Мухаммад Мирзонинг ўгли.
Султон Абусайид Мирзо 1424 1469 Султон Мухаммад Мирзонинг ўгли.
Шохрух Мирзонинг авлодлари Ибодуллох 1412 1417 Улугбек Мирзонинг ўгли.
Абдуллох Мирзо 1420 1433 Улугбек Мирзонинг ўгли.
Абдуррахмон Мирзо 1425 1432 Улугбек Мирзонинг ўгли.
Абдуллатиф Мирзо 1428 1450 Улугбек Мирзонинг падаркуш ўгли.
Абдул Азиз Мирзо 1430 1449 Улугбек Мирзонинг ўгли. Акаси Абдуллатиф катл эттирган.
Хабиба Султон 1412 - Улугбек Мирзонинг кизи.
Султон Бахт бегим - - Улугбек Мирзонинг кизи.
Робия Султон - - Улугбек Мирзонинг кизи.
Туга Туркон - - Улугбек Мирзонинг кизи.
Ого Тўгон Шох - - Улугбек Мирзонинг кизи.
Султон Мухаммад Мирзо - - Бойсунгур Мирзонинг ўгли.
Алоуддавла Мирзо 1417 1461 Бойсунгур Мирзонинг ўгли.
Султон Абу Исҳоқ - - Иброҳим Мирзонинг ўгли.
Масъуд Мирзо - - Суюргатмиш Мирзонинг ўгли.
Корачор Мирзо - - Суюргатмиш Мирзонинг ўгли.
Али Мирзо 1423 1424 Мухаммад Жўки Мирзонинг ўгли.
Мухаммад Косим Мирзо 1422 - Мухаммад Жўки Мирзонинг ўгли.
Абу Бакр Мирзо 1427 - Мухаммад Жўки Мирзонинг ўгли.

III БЎЛИМ

ТЕМУР ВА ТУМУРИЙЛАР ХАЁТИДАГИ БАЪЗИ МУХИМ САНАЛАР

1336 йил – Кашкадарё воҳасининг Кеш (ҳозирги Шахрисабз) туманига карашли Хўжа Илгор кишлогида Амир Темур дунёга келди.

1355 йил – Амир Темур Турмуш огога уйланди. Яна шу йили Ўлжаой Туркон огога ҳам уйланди.

1356 йил – Амир Темур икки ўгиллик бўлди: Жаҳонгир Мирзо ва Умаршайх Мирзо тугилди.

1360 йил – Темур Туглук Темур хизматига кирди. Туглук Темур ўз ўгли Илёсхўжани Мовароуннахр хукмдори қилиб тайинлади. Темур Мўгулистон хони билан алоқасини узиб, Балхнинг амири Хусайин ибн Мусаллаб билан бирлашди.

Соҳибкирон Амир Темурнинг отаси Тарагай баходур вафот этди.

1362 йил – Амир Темур ва амир Хусайин ибн Мусаллаб Моҳон кишлогида Алибек номи туркман қўлида 62 кун асирликда ётадилар. Асирликдан қутилгач Сеистонга кетадилар. Бу вақтда Сеистон ҳокими кучли рақиб қаршисида ожиз бўлиб турган эди. Шунда у амирларни Сеистон томондан жангга қиришликка таклиф қилиб, эвазига олтин-у қумуш ва умр бўйи миннатдорликни ваъда қилади. Амир Темур ва амир Хусайин жангга қириб, Сеистон учун галабани қўлга қиритади. Лекин Сеистон ҳокими ваъдасига турмайди. Амирлар у ерни тарқ қилиб кетаман десалар, бунга ҳам қаршилиқ қилади. Натижада орада жанг бўлади. Шунда жангда Соҳибкирон Амир Темур ўнг қўли ва ўнг оёғидан оғир ярадор бўлади .

Мўгилистон хони Туглук Темурхоннинг вафотидан сўнг унинг ўгли Илёсхўжа Мовароуннахрдан сиқиб чиқарилади.

1365 йил – Илёсхўжа Мовароуннахрга катта қўшин билан бостириб қиради. Темур ва Хусайин унга қарши қурашадилар. Ушбу жанг тарихда «Лой жанги» номи билан қирган. Бунга сабаб жанг пайти кучли жала ёғиб, оёқ ости сирпанчик ва ёпишқок лой бўлади. Хусайин лашқарининг бўшанглиги туфайли Темур ва Хусайин қўшини мағлуб бўлиб, ҳар иккала амир дастлаб Самарқандга, кейин Балхга қочадилар.

Илёсхўжа Самарқандга яқинлашгач, Самарқанд сарбадорлар томонидан химоя қилинади ва Илёсхўжа енгилиб, чекинади.

1366 йил – Темур ва Хусайин яна бирлашиб, Самарқандга келадилар. Улар сарбадорларнинг бошлиқларини қўлга туширадилар. Амир Хусайин уларни қатл эттиради, фақат Темурнинг жонбозлиги билан Мавлонозода қатлдан омон қолдирилади. Ҳар икки амир Самарқандни ўз тасарруфига қиритадилар ва улар орасига адоват тушади.

Темурнинг завжаси Ўлжаой Туркон ого вафот этади.

Темурнинг учинчи ўгли Мироншоҳ Мирзо тугилди.

1370 йил – Амир Темур ўзининг яхши қуролланган қўшини билан Хусайин ибн Мусаллабга қарши юриш қилиб, Балхни қамал қилади. Бир неча кун давом этган жангдан сўнг шаҳарга ёриб қириб, шаҳар қўргонини ҳам қўлга қиритади. Амир Хусайинни асир олиб, иттифокдоши хутталонли Қайхусравга топширади. Хусайин 1360 йилда унинг ақаси Қайқубодни қатл эттирган эди. Қайхусрав Амир Темурнинг ижозати билан ақаси учун қасос олади. Соҳибкирон Амир Темур Хусайиннинг қарамидаги маликалардан Сарой Мулк хонимни, Улус оғони, Ислом оғони ҳамда Тағой Туркон хотинни танлаб олиб, иқдаси қиқгач уларни ўз никоҳига олади. Хусайиннинг қолган аёлларини иттифокдошларига тақсимлаб беради.

1372 йил – Амир Темур Хоразмдаги Хусайин Сўфининг устига юриш қилади. Хали жанг бошланмасдан Амир Темурнинг аскарлари йўлда Қиётни қўлга қиритадилар. Хусайин

Сўфи дастлаб сулх тузмокчи бўлади, лекин Амир Темур лашкарларидан бўлган Кайхусрав Хатлонийнинг у билан воситачилик килиши сабаб жанг килади, биринчи хамладаёк энгилиб Урганч қаъасига беркинади ва кўп ўтмай ўша ерда вафот этади. Унинг ўрнига укаси Юсуф Сўфи ўтиради. У Темур билан сулх тузади. Сулхга кўра Хусайин сўфининг кизи Севинч бэгани Амир Темурнинг ўгли Жахонгир Мирзога хотинликка беришга рози бўлади. Лекин у хам сулхга риоя қилмайди ва малика етиб келмайди.

Кайхусравнинг иши фош бўлиб катл қилинади.

1373 йил – Юсуф Сўфи Киётни ўз тасарруфига киритди. Буни эшитган Темур иккинчи бор Хоразмга юриш қилди. Лекин иш жангача етиб бормади, Юсуф Сўфи таслим бўлиб, шартларни бажаришга ваъда берди ва Севинч бека етиб келди. Темур эса жанубий Хоразмни салтанатига қўшиб олди.

1374 йил – Жахонгир ва Севинч бэганинг никоҳ тўйи.

1375 йил – Амир Темур Ок Ўрда хони Ўрусхон билан жанг қилаётганидан фойдаланган Юсуф Сўфи жанубий Хоразмни босиб олди. Темур Хоразмга учинчи бор юриш қилди.

1376 йил – Жахонгир Мирзонинг иккита аёлидан иккита ўғил тугилади: Мухаммад Султон Мирзо ва Пир Мухаммад Мирзо. Ўзи Пир Мухаммад Мирзо тугилмасдан вафот этади.

1377 йил – Шохрух Мирзо тугилди.

1378 йил – Амир Темур ўн икки ёшли Туман ого бегимни никоҳига олди.

1379 йил – Амир Темур Хоразмга тўртинчи бор юриш қилди. Хоразм ёнида Юсуф Сўфи билан жанг қилди. Сўфи қочиб, ичкарига мустахкамланди. Темур Урганч уч ой камал қилди. Камалдан қайтганида Юсуф Сўфи вафот этди ва жанубий Хоразмни бутунлай қўшиб олади.

Амир Темур Ок Ўрда хони Ўрусхонни енгиб, тахтга Тўхтамишхонни ўтказди. Ўрусхонни катл қилдириб ўзи Самаркандга қайтади.

1381 йил – Хуросонга юриш. Кўрт ва Хирот беги қаршилик кўрсатмасдан таслим бўлди. Шахар хазинаси қўлга олинди. Амир Темур Самаркандга қайтди. Доруссалтана кишни Бухоро яқинида ўтказди.

1382 йил – Мозандаронга юриш. Каспий бўйидаги хамма бекликлар Темурга бўйсундилар. Сохибқирон Темур кишни Самарканд яқинида ўтказди.

1383 йил – Мўгилистонга юриш. Камариддинни топа олмаслик ва қайтиш. Хуросонда кўзгалон бўлганлиги сабабли Хуросонга юриш. Исфижар қўлга киритилди. Дилшод ого бегим беморлик сабабидан вафот этди.

1384 йил – Сеистоннинг фатҳи.

1387 йил – Тўхтамиш Мовароуннахрга талончилик ниятида бостириб кирди.

1388 йил – Хоразмда яна исён бошланди. Бундан газабланган Амир Темур Урганч шаҳрини ер билан яқсон қилиб, ўрнига арпа экишга амр қилади. Аҳоли Самаркандга қўчирилди.

Тўхтамиш Темурга қарши катта қўшин тўплаб бир қисмини жангга сафарбар қилди, лекин улар мағлуб бўлиб қочиб қолди.

1389 йил – баҳорда Амир Темур Ок Ўрдага қўшин тортади ва Тўхтамиш қўшини билан шу ерда учрашмокчи бўлади. Лекин Тўхтамиш Саврон камалини ташлаб, қўшинини даштликнинг ичкарасига олиб кириб кетади.

Малика Султон Бахт бегим амир Довуд дуглотнинг ўгли амир Сулаймоншоҳга никоҳ қилинади.

1391 йил – Соhibкирон Амир Темурнинг амри билан амир Мусика вайрон этилган Урганчи обод килишга киришади.

Бахорда Амир Темур 200 минглик кўшин билан Тўхтамишхонга қарши юриш бошлайди. Тўхтамишхон мағлубиятга учрайди. Темур катта ўлжа билан қайтади.

1392 йил – Гарбга қилинган беш йиллик юриш бошланди.

1394 йил – Мухаммад Тарагай Улугбек ибн Шохрух Мирзо тугилди. Умаршайх Мирзо ибн Амир Темур вафот этди.

1395 йил – Темур ва Тўхтамишхон ўртасида яна жанг бўлди. Тўхтамишхон Темурнинг хужумига дош беролмай қочиб қолди. Дашти Кипчакнинг, Черкас, Ўруснинг катта қисми фатх этилди.

1397 йил – Амир Темур мўгул хонининг кизи Тўқал хонимни никоҳига олиши муносабати билан Конгилда тўй ўтказилди.

1398 йил – Хиндистон сари юриш. Олти ойлик камалдан сўнг октябрь ойида Султония қулайди. Декабрьда Дехли қулайди.

1399 йил – Хиндистондан қайтиш. Май ойининг ўнинчисида Хиндистондан келтирилган бойликлар ҳисобидан Самарқандда жомеъ масжиди қурдириш бошланди. Октябрь ойида гарбга қилинган етти йиллик уруш бошланди. Соhibкирон Амир Темур кишни Қорабоғда ўтказди. Гуржиларни қириб ташлашга қаратилган жанговор юриш.

1400 йил – Гуржистон фатҳи ва гуржилар қўлида асир бўлиб ётган мусулмонларнинг озод қилиниши. Ёзда Сиваш қўлга қиритилди, октябрда Халаб (Сурия) қулади.

1401 йил – Январ ойида Дамашк забот этилади ва талон-тарож қилинади. Март ойида Амир Темур шимолга қайтади. Ёз фаслида Бағдод шиддатли хужум билан олинади ва талон-тарож қилинади. Темур кишни Қорабоғда ўтказди. Византия ва бошқа Гарбий Оврупа давлатлари билан музокаралар олиб борилади.

1402 йил – Июль ойида Амир Темур Туркия ҳукмдори Боязид Йилдирим билан жанг бўлди. Жангда Боязид мағлубиятга учраб, ўзи ва ҳарам асир олинди. Декабрь ойида Смирна (Авлиё Иоан тариқати рицарлари қалъаси) камалга олинди ва талон-тарож қилинди. Черковлар масжидларга айлантирилди, бутхона қўнғироклари занги ўрнига муаззиннинг азон товуши янгради.

1403 йил – Амир Темур кўшинлари Онадўли орқали шарққа қайтади. Март ойининг тўққизинчи санасида Боязид асирликда вафот этади.

Валиаҳд Мухаммад Султон қазо қилади.

Мироншоҳ Мирзонинг ўғли Абу Бакр Мирзо Қора қўюнли қабилаларидан Бағдодни тортиб олади.

Куз фаслида гуржилар билан сулҳ тузилади.

Кишни Қорабоғда ўтказдилар.

1404 йил – Мозандарон орқали Самарқандга қайтиш.

Август ойида Клавихо бошчилигидаги испан элчиларининг ташрифи. Самарқандда қурилиш қўлами авж олади.

Етти йиллик уруш урушдан галаба билан қелгани шарафига Соhibкирон Амир Темур сентябрь ойида Конгилда катта зиёфат беради. Зиёфатда 9 ёшдан 17 ёшгача бўлган 5 та набираси – Улугбек ибн Шохрух, Иброҳим ибн Шохрух, Жаҳонгир ибн Мухаммад Султон, Бойқаро ибн Умаршайх, Сайид Аҳмад ибн Умаршайх, Ийжал ибн Мироншоҳларнинг унаштириш тўйини ҳам қўшиб ўтказди.

Самарқандда Мухаммад Султон макбараси қуриб битказилади.

Ноябр ойининг 27 санасида Хитойга юриш бошланади.

1405 йил – Январь ойининг ўрталарида Амир Темур Ўтрорга етиб келади, 18 февраль куни вафот этади.

1408 йил – Халил Султон Мирзонинг хотини Шодмулк бегим Сарой Мулк хоним ва Тўқал хонимларни захарлаб ўлдирди .

Мироншоҳ Мирзо вафот этди.

1409 йил – Шохрух Мирзо Самарканд тахтини эгаллади.

МАНБАЛАР РЎЙХАТИ

1. Мухаммад Али «Амир Темур солномаси». Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, Тошкент – 2008.
2. «Амир Темур ва Улугбек замондошлари хотирасида» - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиги Бўрибой Ахмедовнинг илмий тахрири остида. Тошкент, «Ўқитувчи» 1996.
3. Тургун Файзиев, «Темурийлар шажараси». «Ёзувчи», «Хазина» нашриёти. 1995 йил.
4. Абдулахад Мухаммаджонов, «Темур ва Темурийлар салтанати». Комуслар Бош тахририяти, Тошкент. 1994 йил.
5. Тургун Файзиев, «Темурий маликалар». А. Кодирий номидаги халк мероси нашриёти, 1994 йил.
6. Эркин Азимов, «Амир Темур салтанати». Тошкент, Гофур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996 йил.
7. Ахмад ибн Мухаммад ибн Арабшоҳ, «Темур хакидаги хабарларда такдир ажойиботлари».
8. Бўрибой Ахмедов «Мирзо Улугбек».
9. Хельда Хукхэм, «Етти иклим султони». «Адолат» нашриёти, 1999 й.
10. Салоҳиддин Тошкандий «Темурнома». Тошкент, «Чўлпон» нашриёти. 1991 йил.
11. Абдул Азим Зиёуддин, «Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам ва ахли байт». Тошкент, 2014. «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси.
12. Омонулла Бўриев, «Амир Темур аждодлари». Комуслар Бош тахририяти, Тошкент. 1992 йил.
13. Ашраф Ахмад, «Улугбек Мухаммад Тарагай». Абдулла Кодирий номидаги халк мероси нашриёти, 1994 йил.
14. Захриддин Мухаммад Бобур, «Бобурнома». «Юлдузча» нашриёти, 1990 йил.
15. Амриддин Бердимуродов, «Гўри Амир макбараси». Абдулла Кодирий номидаги халк мероси нашриёти. Тошкент, 1996 йил.
16. Низомиддин Шомий, «Зафарнома». «Ўзбекистон» нашриёти, 1996 йил.
17. Шайх Мухаммад Содик Мухаммад Юсуф раҳматуллоҳи алайхи, «Самарканднинг сара уламолари». «Хилол нашр», Тошкент 2014.

Гиёсиддин Мухаммад Юсуф